



09.10.2018

ЭКОЛОГИК ХАТАР ▼

МАРКАЗИЙ Осиё ва бутун дунё жамоатчилигини хавотирга солиб келаётган Орол денгизи муаммоси бугун ўта долзарблик касб этмоқда. Мазкур экологик муаммони ҳал этиш мақсадида минтақа давлатлари ташаббуси билан 1992 йилда "Оролни қутқариш халқаро жамғармаси" ташкил этилган эди.



ОРОЛ ҲАЛОКАТ ЁҚАСИДАМИ?

Минтақа мамлакатлари чора изламоқда

Минтақа мамлакатлари чора изламоқда

МАРКАЗИЙ Осиё ва бутун дунё жамоатчилигини хавотирга солиб келаётган Орол денгизи муаммоси бугун ўта долзарблик касб этмоқда. Мазкур экологик муаммони ҳал этиш мақсадида минтақа давлатлари ташаббуси билан 1992 йилда "Оролни қутқариш халқаро жамғармаси" ташкил этилган эди.

2018 йил 24 августда ўн йиллик танаффусдан сўнг Туркменистоннинг Туркманбоши шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ушбу мажлисда сўзлаган нутқида бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ҳудудидаги глобал экологик муаммо ва бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва келгуси йиллар учун энг муҳим чора-тадбирларни белгилаб олиш долзарб вазифа эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан яқин муносабати Марказий Осиё давлатларидаги трансчегаравий сув билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этишга катта туртки бўлмоқда.

Маърузада Оролбўйи ҳудудини у ерда пайдо бўлган саҳро эгаллаб олаётгани, оқибатда сув ресурслари тақчиллиги, ичимлик суви сифатининг ёмонлашуви, тупроқнинг деградацияга учраши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши каби жиддий иқлим ўзгаришлари яққол сезилаётганлиги таъкидланди.

Президентимиз фикрича, умумий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ушбу фожиа оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, минтақанинг сув ва экология билан боғлиқ муаммоларига ечим топиш бўйича барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозим.

Юртбошимиз барча минтақа давлатларининг Жамғарма фаолиятида, жумладан, Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича тўртинчи Дастурни ишлаб чиқиш ва ўзаро

келишиш жараёнида тўлақонли иштирок этиши орқали бу борадаги умумий муаммоларни ҳал этишимиз ва таҳдидларни бартараф этишимиз мумкинлигини эътироф этди.

Президентимиз ўз маърузасида, сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистон Оролбўйи ҳудудида бир қатор кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширганлигини, Оролнинг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва бошқа шўрхокликка чидамли ўсимликлардан иборат 350 минг гектарлик бутазорлар барпо этилганлигини, бундай ҳудудларнинг умумий майдони ҳозирги кунда 700 минг гектарни ташкил этаётганлигини таъкидлаб, Орол денгизи инқироzi оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида 500 тадан ортиқ лойиҳа амалга оширилганлигини ҳамда 2018-2021 йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилинганлигини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Орол фожиаси оқибатларини юмшатишга оид ўзаро ҳамкорлик борасидаги устувор аҳамиятга эга бўлган қуйидаги йўналишларни кўрсатиб ўтди:

биринчидан, минтақамизда ноқулай экологик вазиятни тубдан яхшилаш учун қатъий ва ностандарт чора-тадбирлар зарурлигига эътибор қаратиш лозим. Шу муносабат билан Оролбўйи ҳудудини Экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш масаласининг кўриб чиқилиши қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши керак:

— экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш;

— “яшил иқтисодиёт”, экологик тоза, энергия ва сув тежайдиган технологиялар тамойилларини комплекс татбиқ этиш;

— чўлланиш ва экологик миграциянинг давом этишига барҳам бериш;

— экотуризмни ривожлантириш.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги йиллик сув истеъмоли 52 миллиард куб метрга яқин, аҳоли сони эса 32 миллиондан зиёд бўлиб бормоқда. Шу муносабат билан республикада иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи технологияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда 180 минг гектардан ортиқ ерларга сув тежовчи технологиялар татбиқ этилди, 30 минг гектар ерда томчилаб суғориш технологиялари жорий этилди ва ҳоказо.

Юртбошимиз бу жараёнда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ эканлигини ҳам кўрсатиб берди:

дунёдаги экологик ноқулай минтақаларда бундай лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги тажрибаларни инобатга олган ҳолда инновацион лойиҳаларнинг ягона рўйхатини шакллантириш ва уларни биргаликда тайёрлаш;

бундай мақсадлар учун узоқ муддатли имтиёзли кредит ва грантлар ажратиш.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ҳузурида халқаро институтларнинг ваколатхоналарини очиш таклиф этилди.

Иккинчидан, қум кўчкиларини мустаҳкамлаш, Оролнинг қуриган қисмидан ҳавога захарли аэрозол чанглари кўтарилишини камайтириш масалалари эътибор марказида бўлиши зарур.

2018 йил 27 май куни Хоразм вилоятига Орол денгизи томонидан қумли бўрон бостириб келди. Бўрон билан учиб келган қумлар Орол денгизининг оппоқ тузлари билан аралашиб, далаларни, уйларни ва ҳатто автомобилларнинг устларини оппоқ қордай қоплаган. Илгарилари Орол тузларининг учиб келиши кузатилмас, уларни фақат далаларда тўпланиб қолган уюмлар ва сувнинг шўрлигидан билиб олиш мумкин бўларди. Эндиликда Орол денгизида сувнинг янада камайиши, иқлим ўзгаришлари ва бошқа ҳодисалар сабабли тузлар Хоразмгача учиб кела бошлаши ҳам ижобий ҳолат эмас.

Шу мақсадда чўл шароитига чидамли ва озуқа ўсимликлари кўчатларини етиштириш бўйича Минтақавий марказ ташкил қилиш таклиф этилди. Олимлар берган маълумотларга кўра, 10-12 йил давомида денгизнинг қуриган қисмини дарахтзор ва бутазорларга айлантириш, янги унумдор яйловлар яратиш мумкин, бу чорвачиликни изчил ривожлантириш ва ўн минглаб одамларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Учинчидан, Президентимиз томонидан минтақамизнинг ноёб ҳайвонот дунёсини сақлаш масаласига умумминтақавий ёндашув зарур эканлиги таъкидланиб, Оролбўйи зонасида муҳофаза қилинадиган трансчегаравий табиий ҳудудлар ташкил этилиши таклиф қилинди. Йўқолиб бораётган ҳайвонлар, жумладан, қоплон, қулон, сайғоқ ва бошқа ноёб жониворларни сақлаб қолиш зарур.

Тўртинчидан, сувни тежаш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларидаги минтақавий ҳамкорлик даражасини кескин ошириш лозим. Орол денгизи ҳудудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўзаро мақбул ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш учун барча зарур шароитларни яратиш, Ўзбекистонда ушбу масалага бағишланган минтақавий конференция ўтказиш ва Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий дастур қабул қилиниши мазкур конференциянинг энг муҳим натижаси бўлиши лозимлиги давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланди.

Ўзбекистонда 55 та сунъий сув омбори мавжуд. Бундан ташқари, Ўзбекистон сув ресурслари миллий бойлигини 500 та табиий кўл ҳамда 1448 та булоқ ташкил этади. Шундан 30 таси Амударё ҳавзасида, 25 таси Сирдарё ҳавзасида жойлашган. Сув омборлари ҳажми ва тўпланган сув миқдори бўйича табиий сув ҳавзаларидан анча катта. Айти пайтда, 4,3 миллион гектар ерни суғориш учун ўртача 57 миллион м³ сув олинмоқда, у мавжуд сув ресурсларининг 90 фоизни ташкил этади.

Бешинчидан, Юртбошимиз бугунги кунда илмий кооперацияни самарали ривожлантирмасдан олдимизда турган муаммолар ечимини таъминлашнинг иложи йўқлигини, фанлараро тадқиқотларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтди. Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси ва Давлатлараро барқарор ривожланиш комиссиясининг илмий-ахборот марказлари негизида бундай тадқиқотлар олиб бориш мумкинлигини асослаб берди. Президентимиз томонидан конференцияда илгари сурилган ташаббуслар асосида “йўл харитаси” ишлаб чиқиш ва унинг ижросини амалий жиҳатдан назоратга олишни Жамғарма бошқарувига топшириш лозимлиги ҳам қайд этилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маърузада кўрсатилган ғоялар асосида трансчегаравий сувлар ва халқаро атроф-муҳит сиёсатининг стратегик мақсади ва вазифаларини бажариш учун қонунчиликда ҳам бир қатор такомиллаштириш ишларини амалга ошириш, жумладан:

- Минтақада сув объектларидан энергетика ва гидроэнергетика соҳасида фойдаланиш;
- Трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш соҳасидаги минтақа давлатларининг

“халқаро сув оқимларидан мақбул равишда фойдаланишга эришиш ҳамда тегишли тарзда ҳимоя қилиш мақсадида” халқаро ҳуқуқ доирасида ҳамкорлик қилиш умумий мажбуриятини ҳам ўз вақтида бажариш;

— Фуқароларга трансчегаравий муаммоларни тўғри тушунтириш, шунингдек, уларга экологик ҳуқуқий билимларни замон талаби асосида ўзлаштириш мақсадида олий ўқув юртларида “Трансчегаравий сувлар ва атроф-муҳит халқаро ҳуқуқи” махсус фанини ўқитиш, халқаро андазаларга мос, замон талаблари асосида ўрганишни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Марказий Осиё доим сув ресурсларига тобе бўлиб келган, ҳозир эса глобал исиш ва сув истеъмолининг ўсиши шароитларида бу муаммо янада чуқурлашмоқда. Бугун агар бир томчи сувни асрамасак, бу келгуси авлод олдида жиноят бўлади. Бирор мамлакат, ҳатто сувни тежовчи энг яхши технологияларни жорий этиб ҳам бу муаммони мустақил ҳал қила олмайди.

Шу боис Ўзбекистон минтақавий давлатлар билан сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳар томонлама мулоқотни амалга оширишга ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тегишли конвенцияларни фаол равишда ишлаб чиқилишига ҳар доим тайёр эканлиги ҳамда ижобий таклифларни олға сураётганлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,

**Тошкент давлат юридик университети “Экология ва аграр ҳуқуқи” кафедраси
профессори, юридик фанлар доктори**

131 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Халқ қабулхоналари — ҳақиқат маскани \(45 сон\)](#) [3]
- [Сирдарё вилоят адлия бошқармаси: “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак...” акцияси](#) [4]
- [“Трастбанк” хизмати жамият равнақи ва турмуш фаровонлигига камарбаста](#) [5]
- [Жиззах ва Андижон вилояти Давлат хизматлари агентлиги фуқароларга ёрдам бермоқда](#) [6]
- [Фаррош одам эмасми?! Бу савол оёғи ердан узилган, қалби кир кимсаларга берилмоқда](#) [7]
- [Ишончга кириб “иши”ни битирмоқчи бўлди](#) [8]
- [Диннинг асл моҳияти бағрикенгликдир](#) [9]
- [Ёлғонни аниқловчи сунъий тафаккур](#) [10]
- [Халқимиз учун ҳуқуқий маърифат яратиш бош мақсадимиз](#) [11]
- [Одил ҳукм \(ҳикоя\)](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4214>

Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/4214>

[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4214>

[3] <http://insonvaqonun.uz/node/4340>

[4] <http://insonvaqonun.uz/node/4338>

[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4337>

- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4333>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4332>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4331>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4329>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4328>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4327>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4326>